КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ИЮЛЬ ПЛЕНУМИ ҚАРОРЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРАМИЗ

КПСС XXIV СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛАЙЛИК

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 168, (4415).

25 АВГУСТ СЕШАНБА 1970 йил.

Баҳоси 2 тийин.

ҲАМ ПАХТА, ҲАМ КАНОП

Қуёшнинг саҳий нуридан баҳраманд бўлган далалар кунда бир яшнаб, ажиб манзара кашф этмоқда.

Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхознинг Абдували Расулматов бошлиқ бригада далаларида ҳам иш қизғин. Бригада пахтазор ва канопзорлари бу йил ҳар йилгидан серҳосил. 170 гектар майдонда етиштирилаётган ҳосил мўлжалдагидан анча кўп.

Катта хирмон нишқида тер тўкаётган деҳқонлар ҳар гектар ердан 30 центнердан пахта, 190 центнердан эса каноп пояси етиштиришни мўлжалламоқдалар.

Улар янгиариқликлар ташаббусига қўшилиб, пахтадан олинадиган ҳосилни 35 центнерга етказишга қарор қилдилар. Ҳозир пахтазорларда парвариш ишлари жадал олиб борилмоқда.

Каноп янчиш ишлари ҳам жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Ҳозир далада икита «ЛС» маркали агрегат каноп поясини сифатли ажратмоқда. Лубкорлар дастлабки гектарлардан мўл ҳосил олмоқдалар. Улар ҳозирги кунда 130 центнер ўрнига 200 центнерга етказиб кўк поя олмоқдалар.

— Бу йил пахта ҳосилининг 90 процентини «зангори кема»лар билан териб оламиз,— дейди бригада бошлиги Расулматов. — Механизаторларимиз йиғим-теримга уюшқоқлик билан ҳозирлик кўришяпти. Илгорларимиздан Қ. Қодиров, А. Аҳмедов, О. Орзиқулов каби механик-ҳайдовчилар «зангори кема»ларни сифатли ремонтдан чиқариб қўйдилар.

Э. БУРХОНОВ, З. АБДУРАҲМОНОВ.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

ЙИҒИМ-ТЕРИМГА ШАЙЛАНАЙЛИК

РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ ВА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИНИ ПАХТАНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети шуни таъкидлайдиларки, республика қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошира бориб, КПСС XXIV съездини муносиб кутиб олиш учун бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилиб, 4.100.000 тонна пахта етиштириш ва давлатга сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятни бажариш учун қизғин кураш олиб бормоқдалар.

Кўпчилик колхозлар ва совхозларда ғўза парвариши, озиқлантириш, суғориш ўз вақтида ва юқори сифатли ўтказилганлиги натижасида экин нормал ривожланиб, мўл ҳосил тўпламоқда. Шу билан бир қаторда Самарқанд областининг каттагина майдонларида, шунингдек Тахтакўпир, Гурлан, Навоий, Бекобод, Боёвут, Еттисой, Олтиариқ, Янгиқўрғон, Чуст ва Қўрғонтепа районларида ғўза ривожланишдан орқада қолмоқдаки, ана шу область ва районларда пахтадан мўл ҳосил олиш учун ғўза қатор ораларини ишлаш, экинни сугориш ва бошқа агротехника тадбирларини амалга оширишни кучайтириш талаб этилади.

Илғор хўжаликлар, тайёрлов пунктлари ва айрим пахта тозалаш заводлари ҳосилнинг эртароқ етилиши кутилаётганлигини ҳисобга олиб, пахтани териш, топшириш ва қабул қилиб олишга тайёргарлик кўришни ўз вақтида бошладилар.

Бироқ барча районлар, колхозлар ва совхозларда ҳам ҳосил йиғим-теримини ўтказишга чинакам уюшқоқлик билан тайёргарлик кўриляпти, деб бўлмайди. 17 августгача республикада қариб 10 мингта пахта териш машинаси тайёрланмасдан турибди. Айниқса, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм, Фарғона, Андижон ва Қашқадарё областларида техника сусткашлик билан тайёрланмоқда.

Асфальтланган майдончалар, бостирмалар ва пахта сушилкалари, транспорт воситалари, тош-тарозилар, йўллар ва кўприкларни қуриш ҳамда ремонт қилиш суст амалга ошириляпти. «УСС-1» маркали кўп қаватли янги сушилкаларни қуриш ва монтаж қилиш кучайтирилгани йўқ.

Барча тайёрлов пунктлари ҳам пахтани қабул қилиб олишга тайёр деб бўлмайди. Пахта тозалаш заводлари ва тайёрлов пунктларида қуритиш-тозалаш цехлари, пахтани ортиш-тушириш ишларини механизациялаш воситалари, автомобиль тарозилари, электр ускуналарни ремонт қилиш, пахтани гарамлаш учун янги майдончалар қуриш ва мавжудларини ремонт қилиш, йўллар ва кириш йўлларини, ишлаб чиқариш бинолари, лабораториялар, ишчилар ётоқхоналари, ошхоналар ва чойхоналарни ремонт қилишга кечикиб киришилди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлиги Хоразм областида 5 та янги тайёрлов пунктлари қурилишини чўзиб юбордилар. Янгиобод, Халқобод, Тахтакўпир пахта тозалаш заводлари ҳузуридаги тайёрлов пунктлари ва Қарши пахта тозалаш заводига қарашли Муғлон тайёрлов пунктида қуритиш-тозалаш цехлари қурилишининг суръати паст.

Колхозлар ва совхозлар тайёрлов пунктларини 1970 йилги пахта ҳосилини териш ва қабул қилиб олишга ўз вақтида тайёрлаш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси ва уларнинг ҳудудларидаги органлари, область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига ғўзани намунали парвариш қилишни таъминлаш, бунда ривожланишдан орқада қолган майдонлардаги экинларга алоҳида эътибор бериш, ҳар бир колхоз ва совхоз, бўлим ва бригада томонидан социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада ҳамма жойда мўл ҳосил тўплашга эришиш мажбуриятини юкладилар.

Шу билан бирга уларга тайёрлов пунктларида пахтани териш ва тўхтовсиз қабул қилиб олиш учун барча тайёргарлик ишларини ўз вақтида тугаллаш, топшириладиган пахтанинг сифатини яхшилаш юзасидан амалий чораларни кўриш таклиф этилди. Шу мақсадда:

пахта териш машиналари, трактор прицеплари ва юклагичларни тайёрлашни 1 сентябргача, кўсак юлиш ва кўрак чувиш машиналарини тайёрлашни 1 октябргача тугаллаш мақсадида пахта териш техникаси ремонтининг суръатини кескин кучайтириш ва сифатини яхшилаш юзасидан зарур чоралар кўрилсин;

«Ўзсельхозтехника» район бирлашмалари ҳузуридаги курсларда, совхозлар ва қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида механик-ҳайдовчилар тайёрлаш тезлик билан қизитиб юборилсин;

30 августгача барча колхозлар ва совхозларда пахтаси машинада териш учун ажратилган далалар текшириб чиқилсин ва ана шу далалар пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларига биркитиб қўйилсин, пахта далалари бегона ўтлардан тозалансин ва механизмлар юқори унум билан ишлаши учун барча шарт-шароитлар вужудга келтирилсин;

машиналарни икки сменада ишлатишни ҳисобга олиб, барча пахта териш машиналари механик-ҳайдовчилар билан таъминлансин. Хотин-қизларни пахта териш машиналарида ишлашга жалб қилишга алоҳида эътибор берилсин;

пахта териш агрегатларини группа қилиб ишлатиш усули кенг қўлланилсин, ҳар бир машинанинг юксак унум билан ишлашига эришилсин;

колхоз ва совхозларнинг пахта териш техникасига «Ўзсельхозтехника» район бирлашмалари ва хўжаликлардаги уста-созловчилар кучи билан ихтисослаштирилган техника хизмати кўрсатиш кенг қўлланилсин. Техника хизмати кўрсатиш, машиналарга механизмлар ёрдамида ёнилғи қуйишда ишлатиладиган барча воситалар учун ходимлар тайёрлансин ва улар ана шу ходимлар билан таъминлансин, терим техникасини ремонт қилиш ва техник камчиликларни тугатиш бўйича навбатчи бригадалар ташкил этилсин;

5 сентябргача районлар ва областлар ўртасида хўжаликларнинг пахтани машинада теришга тайёргарлиги ўзаро текшириб чиқилсин;

Сирдарё областидаги Пахтакор райони механизаторларидан ибрат олиб, хўжаликларда йиғим-терим ишларини қўл меҳнатидан фойдаланмаган ҳолда комплекс механизациялаш учун барча имкониятлардан кенг фойдаланилсин.

Бу йил 430 минг гектар майдондаги пахтани теришни қўл меҳнатидан фойдаланмаган ҳолда комплекс механизациялаш зарур деб ҳисоблансин. Пахта теришни қўл меҳнатидан фойдаланмаган ҳолда механизациялаш планини белгиланган хўжаликларга етарли миқдорда пахта териш, кўсак узиш ва кўрак чувиш машиналари, шунингдек механик подборщикилар ва бошқа механизация воситалари ажратилсин, уларга йиғим-теримни тўғри ташкил этишда ёрдам кўрсатилсин.

«Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасига пахта териш техникасини тайёрлашни тугаллаш учун, шунингдек йиғим-терим даврида эксплуатация қилиш мақсадлари учун колхоз ва совхозларни эҳтиёт қисмлар ҳамда ремонт материаллари билан ўз вақтида таъминлаш юзасидан қўшимча чоралар кўриш таклиф қилинди.

«Главхлопкомаш»га пахта териш техникасининг ремонти учун уч квартал фондларида назарда тутилган эҳтиёт қисмларни етказиб беришни тезлаштириш, шунингдек қўшимча эҳтиёт қисмлар етказиб бериш имкониятини қараб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1.900.000 тонна пахтани машинада териш ва 1.170.000 гектар майдонда дефолиация ўтказиш (такрор дори сепишни қўшмаган ҳолда) планини белгиладилар. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасига пахтани машина билан териш планига биноан дефолиантларни ўз вақтида етказиб бериш ва улардан терим олдидан ғўзаларнинг баргини тўктиришда тўғри фойдаланишни таъминлаш топширилди. Қишлоқ хўжалик органлари, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг эътибори дефолиацияни ўтказганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилишга қаратилди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига аэродромлар ва қўниш майдончаларини тўла тайёр ҳолга келтириш, шунингдек сигналчилар, ёнилғи қуювчилар, дефолиантларни самолётларга ортувчилар ажратиш таклиф этилди.

Граждан авиацияснинг Ўзбекистон бошқармасига самолётларни ўз вақтида тайёрлаш ва жойларга юбориладиган барча самолётларни дефолиантларнинг суюқ эритмасини қуйиш воситалари билан таъминлаш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига қуйидагилар топширилди: уруғлик пахта етиштирилган барча майдонда дала апробациясини ўз вақтида ва юқори сифатли қилиб ўтказишни ташкил этиш ҳамда унинг натижаларига қараб уруғлик пахта териш ва тайёрлаш юзасидан топшириқлар белгилаш ҳамда ана шу топшириқларнинг бажарилишини таъминлаш. Уругчилик хўжаликларининг раҳбарларидан уруғлик пахтани, айниқса вилтга чидамли навларнинг пахтасини териш ва топширишни тўғри ташкил этишни талаб қилиш. Апробация қилинган майдонлардаги уруғлик пахтани қўл билан теришни таъминлаш. Пишмаган, ҳўл ва вилт касаллиги билан огриган ғўзалардаги пахтани уруғлик учун теришни қатъиян тақиқлаш. Намлик даражаси юқори бўлган уруғлик пахтани албатта қуёш нурида қуритишни таъминлаш.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигига дала апробацияси натижаларига қараб 159-Ф, 152-Ф, «Тошкент-1», «Тошкент-2» ва «Тошкент-3», С-6030 навли пахтани териш ва тайёрлаш юзасидан, 1971 йилда ана шу навли ғўзалар пахтаси чигитини камида 1 миллион гектар майдонга экишни ҳисобга олиб областларга топшириқлар белгилаш юклатилди.

Совхозларнинг директорлари ва колхозларнинг правленияларига уруғлик пахтани қўл билан терганда саноатда ишлатиладиган пахтани тергандагига нисбатан 20-25 процент кам норма белгилаш тавсия этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, Пахта тозалаш саноати министрлиги ва уларнинг жойлардаги органларига, область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва область ижроия комитетларига, колхоз ва совхозларнинг раҳбарларига машинада ва қўлда терилган пахтанинг сифатини ошириш, контрактация шартномаларида назарда тутилган пахта ассортиментининг бажарилишини таъминлаш, териладиган ва топшириладиган пахтанинг сифати устидан қаттиқ контроллик ўрнатиш мажбуриятини юкладилар.

Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг 15 сентябргача коллектор-зовур тармоқларини тозалаш юзасидан мелиорация ишларини ўтказиш ҳақидаги таклифи маъқулланди.

Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министрлигига тайёрлов пунктлари ва пахта тозалаш заводларини янги пахта ҳосилини қабул қилиб олиш ва қайта ишлаш учун тайёрлашни 1 сентябргача тугаллаш, қурилаётган тайёрлов пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехларини етишмаётган ускуналар ва материаллар билан таъминлашни яқин кунлар ичида тугаллаш топширилди. Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигига тайёрлов пунктлари ва қуритиш-тозалаш цехларини белгиланган муддатда фойдаланишга топширишни таъминлаш таклиф этилди. «Хлопкомаш» бирлашмасига пахта тозалаш саноати учун эҳтиёт қисмларни тайёрлаш ва етказиб беришни таъминлаш мажбурияти юкланди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва шаҳар партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва шаҳар ижроия комитетларига шаҳарлардаги саноат корхоналарининг кучи ва маблағлари билан пахта териш техникаси ва қуритиш-тозалаш цехларини ремонт қилишда ҳамда уларга пахтани териш ва қуритиш даврида техника хизмати кўрсатишда колхозларга, совхозларга ва тайёрлов пунктларига оталиқ ёрдами беришни ташкил этиш тавсия этилди.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигига, «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмасига, «Главсредазирсовхозстрой»га, область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия қомитетларига «УСС-1» маркали кўп қаватли сушилкалар бўйича монтаж ва қурилиш ишларининг боришини қараб чиқиш ҳамда уларни 1 октябргача фойдаланишга топшириш юзасидан чоралар кўриш таклиф этилди.

Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлигига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига 30 августгача барча колхоз ва совхозларда ёнғин хавфсизлигининг аҳволини текшириб кўриш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва район партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва район ижроия комитетларига, Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва унинг жойлардаги органларига касаба союз ташкилотлари билан биргаликда колхоз ва совхозларнинг меҳнат қилишга яроқли барча аҳолисини пахта йиғим-теримига жалб қилиш юзасидан тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, йиғим-теримнинг биринчи кунидан бошлаб ҳар бир теримчи томонидан кунлик норманинг бажарилиши ва ошириб бажарилиши учун социалистик мусобақани кенг қизитиш мажбурияти юклатилди. Ҳар куни ҳосил йиғим-теримида камида 1.100.000 колхозчи ва совхозларнинг ишчиси қатнашиши лозим.

«Ўзбекбирлашув» правлениесига, Ўзбекистон ССР Маданият, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Соғлиқни сақлаш, Алоқа министрликларига теримчиларга маданий-маиший ва медицина хизмати кўрсатишни ташкил этиш топширилди.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига ва «Ўзсовпроф»га механик-ҳайдовчиларни, пахта териш техникасини тайёрлашда, пахта теримида юксак кўрсаткичларга эришиш учун социалистик мусобақани кенг қизитишда комсомол ва касаба союз ташкилотларининг актив иштирок этишларини таъминлаш топширилди.

Қишлоқ хўжалик ва тайёрлов ходимлари касаба союзининг республика, область ва район комитетларига қуйидагилар тавсия этилди:

дефолиантлардан фойдаланганда техника хавфсизлиги ва саноат санитарияси қоидаларига риоя қилиш устидан, шунингдек пахта териш техникаси, механизмлар ва электр ускуналаридан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш устидан назорат олиб боришни таъминлаш;

ишчилар, пахта териш машиналарининг механик-ҳайдовчиларига ҳақ тўлаш ҳақидаги амалдаги низомни тўғри қўлланиш ва иш ҳақи тўлаш юзасидан ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиб туриш устидан назорат олиб боришни кучайтириш.

Қорақалпоғистон АССР, областлар, районлар, колхозлар ва совхозларни йиғим-теримни тез суръатлар билан олиб боришга ва давлатга топшириладиган пахтанинг сифати учун рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Қорақалпоғистон АССР ва областларни рағбатлантириш учун иккита, районларни рағбатлантириш учун тўртта, шу жумладан ингичка толали пахта топширувчи районларни рағбатлантириш учун битта ва қўриқ ердаги районларни рағбатлантириш учун битта, совхозларни рағбатлантириш учун иккита ва қўриқ ердаги совхозларни рағбатлантириш учун битта кўчма Қизил байроқ таъсис этилади.

Кўчма Қизил байроқлар сентябрь ойининг биринчи ўн кунлигидан бошлаб ҳар 10 кунда бир марта бериб борилади. Қизил байроқлар берилганда планнинг бажарилиши, пахта тайёрлаш суръати, тайёрланган пахтанинг сифати, машина терими планининг ва уруғлик пахтани териш ва топшириш планининг бажарилиши хисобга олинади.

Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё областларида, ингичка толали пахта етиштириш планига эга бўлган районлар ва совхозларга Қизил байроқлар берилганда, шунингдек ингичка толали пахта тайёрлаш планининг бажарилиши ҳам ҳисобга олинади.

Қизил байроқларни бериш билан бир қаторда йиғим-терим илғорларини рағбатлантириш учун маблағлар ажратилади.

Область партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига ва область ижроия комитетларига йиғим-теримда намуна кўрсатган колхоз ва совхозларга бериш учун кўчма Қизил байроқлар таъсис этиш тавсия этилди.

Республика, область ва район газеталарининг редакцияларига, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетига янги ҳосилни йиғиб-териб олишга тайёргарликнинг ва йиғим-теримнинг боришини газеталарнинг саҳифаларида, радио ва телевидение орқали ёритиб бориш таклиф этилди.

Республика газеталарида Ҳурмат тахтаси таъсис этилиб, унга пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарган областлар ва районлар ёзиб борилади.

ПЛАНДАН ТАШҚАРИ 650 МИНГ ДОНА ТУХУМ

1-«Оҳангарон» совхозининг паррандачилари КПСС Марказий Комитети июль Пленуми қарорларини амалга ошириш йўлида ҳормай меҳнат қилмоқдалар. Улар «Мўл ва сифатли маҳсулот учун!» деган шиор остида паррандачиликни ривожлантириш, олинаётган маҳсулот миқдорини кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш соҳасида янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар.

Паррандабоқарлар ҳозирнинг ўзидаёқ планда белгиланган 350 минг ўрнига 485 минг дона тухум топшириб, йиллик планни ортиғи билан адо этдилар. Улар йил охиригача 5500 товуқнинг ҳар биридан 120 донадан тухум олиб, пландан ташқари давлатга 650 минг дона тухум, 30 тонна парранда гўшти топширишга қарор қилганлар.

— Маҳсулотни кўпайтиришнинг асосий омили паррандаларнинг зотини яхшилашдир,— дейди ферма мудири Ортиқ Ҳолтўраев.— Шунинг учун ҳам товуқлар зотини яхшилашга алоҳида эътибор беряпмиз. Биз шу йилнинг охиригача ҳар бири 180—200 донадан тухум берувчи зотли товуқлар сонини 10 мингтага етказамиз.

Паррандалардан кўплаб маҳсулот олишда ва уларни семиртиришда гайрат билан меҳнат қилаётган Бувойша Убаева, Жалолхон Тўрахонов, Ҳасанбой Асқаровлар ферма илғорларидан ҳисобланади. Уларнинг меҳнати туфайли ҳар куни давлатга икки минг дона тухум топширилмоқда.

Т. ХУШНАЗАРОВ, Ўрта Чирчиқ райони.

*

Янгийўл районидаги Ҳамроқул Турсунқулов номли колхоз пахтакорлари август ойининг шу кунларида ғўзаларга комплекс ишлов беришни қизғин давом эттиришмоқда. Бу ишлар айниқса колхознинг Ҳошим Қосимов бошчилик қилаётган бригада пахта далаларида сифатли олиб бориляпти. Улар бу йил 145 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 35 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Суратда: бригада даласида ғўзаларга ишлов берилмоқда.

А. Абалян фотоси.

*



ҲОСИЛ МЎЛ

Қодирали Мусаев бошчилик қилаётган бригада далаларида бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштирилмоқда. Пахтакорлар ёз бўйи ҳар туп ғўзанинг серҳосил бўлиб ўсиши учун астойдил ишладилар. Озиқлантириш, суғориш ишлари маромида олиб борилди. Ҳозирги кунда эса пайкалларда мўл ҳосил нишонаси кўзга ташланмоқда. Ҳар туп ғўзада 9—10 талан кўсак санаш мумкин.

Гектар бошига ҳосилдорликни 30 центнергача етказиш учун астойдил ҳаракат қилаётган деҳқонлар шу кунларда дала ишларини қизғин давом эттиришмоқда. Пахта пайкаллари машина теримига мосланяпти. Карта четлари, дала шийпонлари йиғим-теримга ҳозирланмоқда. Бу ишда бригаданинг Л. Очилова, У. Турсунова, Р. Юнусова каби меҳнатсеварлари алоҳида намуна кўрсатишмоқда.

Ш. МАМАРАСУЛОВ, Янгийўл районидаги Жданов номли колхоз.

Қишлоқ фаровон — дил ғарогон

БУ САҲИФАДА БЎКА РАЙОНИДАГИ ОБОД ВА КЎРКАМ БЎКА ПОСЁЛКАСИ ҲАҚИДА, БУ ЕРДА ИСТИҚОМАТ ҚИЛИБ, ФАРОВОН ҲАЁТ КЕЧИРАЁТГАН ҚИШЛОҚ КИШИЛАРИ, ШУНИНГДЕК ХАЛҚ ХИЗМАТИДА БЎЛАЁТГАН ИШЧАН ВА ЖОНКУЯР ДЕПУТАТЛАР ҲАҚИДА ҲИКОЯ ҚИЛИНАДИ.



ПОСЕЛКА советининг раиси Азим ака Азизов (чапдан биринчи) депутатлардан Ўғилой Ўринбоева, Машкура Туроқулова ва Карим Обидовлар билан совет қурилиши ишлари тўғрисида суҳбатлашмоқда.

ОИЛАЛАР ҚУВОНЧИ

Қишлоққа кириб келганимизда кун ботиб, Қурама тоғ этакларидан тўлин ой мўраламоқда эди. Электр чироқларидан қишлоқ нурга чўмиларди, майин оқшом шамоли боғлардаги шафтоли, олма, анжир барглариня аста тебратиб, қалбларга тотли ҳис бағишларди.

Бир-биридан равон, текис кўчалар, хиёбонлар салобат тўкиб турган муҳташам бинолар, сайргоҳлар... Одамларни айтмайсизми? Ҳамма байрам либосида. Юзларидан илк табассум аримайди. Лобар қизу, азамат йигитлар, қаторо ҳазил-мутойибалашиб, раҳс майдонига оширишади. Нуронй отахон ва онахонлар эса фарзандларига ҳавас, меҳр-муҳаббат билан боқишарди.

Ленин, Бобир, Улуғбек, Низомий, Ҳамза номидаги кўчаларни сайр қилдик. Ильич чироқлари порлайди, ариқлардан зилол сув оқмоқда. Шишадек теп-текис асфальтдан енгил ва юк машиналари ғизиллаб ўтиб турибди. Кўчанинг икки четида бир текисда планли тушган уйлар. Бу уйларга «зангори олов» кириб борибди. Радио, телевизор бор.

Кутилмаганда хонадонларнинг биридан «Роҳат» таронаси янграб эшитилди. Шу уйга кириб, бу бахтли оиланинг кундалик ҳаёти билан танишмоқчи бўлдик.

Етмиш ёшлар чамасидаги отахон пешвоз чиқиб келди.

— Қани, марҳамат меҳмонлар,— мулойимлик билан қарши олди мезбон ва бизни ичкарига бошлади.

Уй жиҳозлари эътиборимизни ўзига тортди. Телевизор, холодильник, радио, кир ювиш машинаси, гилам поёндозлар. Ўғил-қизлар, невaралар ота-оналар атрофида парвона.

Оила онахони Карима Ёқубова — қишлоқнинг энг табаррук аёлларидан бири. У ўн бир болани тарбиялаб вояга етказган. Катта ўғли Раҳимжон район «Узсельхозтехника» бирлашмасида бош инженер бўлиб ишлайди. Зокиржон алоқа институтида, Фарида рус тили ва адабиёти институтида, Зоҳиджон эса Тошкент Медицина институтида таҳсил кўрмоқда. Санда, Жамила, Гулчеҳра, Рустамлар ўрта мактабда ўқишади.

Ҳовлида турган янги «Урал» мотоциклига кўзимиз тушиб қолди.

— Онахон бу мотоциклни ким минади?— кизикиб сўрадик.

— Кампир, ўғил-қизларингиз биздан йироқда, шаҳарда ўқишади, уларнинг олдига бориб келиб туришга бирон бир машина сўрагандингиз. Ижроком мажлисида еризангизни кўриб чиқдик. Куни кеча хабар келди: базага машина, мотоцикл келибди. Эрта билан ўғилларингиздан бирини юборинг.

— Ойижон,— гапни бўлди Гулбаҳор.— Қишлоғимизда биринчи группа инвалиди Халима холамни биласизми? Яқинда уларнинг оиласига «Москвич» енгил машинаси берилди. Халима хола посёлка Советининг раиси Азимжон акани роса мақтаб ётибди.

— Тўғри-да, болагинам,— деди кампир.— Мен ҳам оқсоқолимизни куну-тун дуо қилганман. У одамларга ғамхўр, ишчан, меҳрибон. Қишлоғимизни обод қилишда кўп ҳаракат қилаяпти. Баракалла.

ЭЛ ОТАХОНИ

Сўлим ҳовлида, ариқ ёнида қирқ ёшлар чамаси тим қора қошли, қуюқ сочли, бугдой ранг бир киши ўтирибди. У шўх оқаётган сувга тикилиб хаёлга берилган. Азимжон аканинг одати шундай. Ҳар куни оқшомда ариқ бўйида ўтириб, кун бўйи қилинган ишларни ҳисоблаб, эртанинг режасини олади.

Вақт ўтишини қаранг: яқинда «Октябрь 40 йиллиги» қишлоқ Советида раислик қиларди. Энди бўлса, «Ленский» қишлоқ Советига бошчилик қилаётганига ҳам тўрт йил бўлибди. Ўзи ўсиб улғайган қишлоғида оқсоқоллик қилиб, ободончилик ишларини ўрнига қўйганди. Шу «Ленский» қишлоқ Советини ҳам бундай оёққа тургазиб берсангиз, деб илтимос қилишди. Тўрт йил ичида бу қишлоқ қайтадан тугилди. Янги уйлар қурилди, кўчалар обод ва кўркам бўлди.

Азимжон ака ҳаёл суриб турганди, кўча эшиги тақиллаб қолди. Ўгирилиб қараса, район ижроия комитетининг секретари экан. Секретарь кўл бериб кўришаркан, «Эртага сизни раис чақиртиряптилар, шуни айтгани келдим» деди.

Азим ака эртаси куни барвақт марказга тушиб келди. Район ижроия комитетининг раиси уни кутиб ўтирганди.

— Лешнобод билан «Партия XX съезди» колхозлари территориясида яшовчи кишилар эътиборимиздан четда қолиб келаяпти,— оҳиста гап очди раис.— Куни кеча у ерга бордим, бирорта бир арзигулик бино йўқ. Кинотеатр, мактаб, боғчалар қуриш керак. Сессия қарори билан у ерда «Ленинобод» қишлоқ Советини ташкил этишга киришдик. Бу янги ерга тажрибали, ташкилотчи раис керак. Шунга сизни тавсия этмоқчимиз. Розилигингизни билгани чақиргандим. Айтиб қўй, иш ниҳоятда кўп бўлади. Қани, нима дейсиз?

— Ўртоқ раис,— қатъий жавоб қилди Азим ака,— менга ишонч билдириб, энг масъулиятли участкага ишга юбораётган экансиз, раҳмат. Ишончингизни оқлайман.

— Раҳмат, шундай жавоб қиласиз деб, ишонгандим. Энди дастлабки ойларда қилинадиган ишларни бир келишиб олайлик...

Азим ака сурункасига бир ҳафта қишлоқ кезди. Бу ерда керак. Янги бир мактаб қурсак, деган таклиф бор...

Мана, бир неча кундирки, машиналар қатнови бошланди. Бинокорларнинг қўли-қўлга тегмайди. Ёшу-қарининг қувончи ичига сиғмас, улар қурувчиларга иссиқ овқат, мева-чева келтиришиб, кўнгилларини кўтариб туришарди.

Қишлоқ оқсоқоли уч ой мобайнида тиним нималигини билмади. Бир оёғи қишлоқда бўлса, иккинчиси район марказида эди. Шу ўртада ободончилик ишлари ҳам бошлаб юборилди. Жой ажратилиб, яхши ният билан иқоллар қадалди, теракдар атрофига гуллар экилди. Чойхона ва клуб шу ерда жойлашадиган бўлди. Мактаб ҳам битди.

— Муҳтарам ҳамқишлоқлар,— деди баланд овозла Азим ака.— Ҳаммангизни янги мактаб билан табриклайман. Болаларимиз ўқишсин, улғайишсин. Бу ишнинг бошланиши. Ҳамжиҳатлигимиз йўқолмаса, мана кўрасизлар, беш-олти йилда қишлоғимизни таниб бўлмайди. Беҳисоб қурилиш ишларини амалга оширамиз.

Бу кишининг қадами қутлуғ келди. Азалдан сув кўрмаган, нурдан бахраманд бўлмаган ташландиқ жойлар, лой кўчалар билан ном чиқарган қишлоқ ҳаётида ўзгариш юз берди.

Азим ака ҳар бир ишни кўпни кўрган отахонлар билан ҳамкорликда, маслаҳатлашиб амалга оширди. Бели бақувват, билаги куч-қувватга тўлган йигитлар умумхалқ ишидан четда қўл қовуштириб ўтиришмади. Сўлим ҳовуз ёнида қад кўтарган шинам чойхона маслаҳатлар ўтган шаҳар типидаги посёлкага айлантирилди. Эндиликда марказимиз ўз салобати, кишиларимизнинг турмуш даражаси билан шаҳарга фарқ қилмаслиги керак. Бу янги посёлка Советига янги раис керак. Шу мақсадда олдингизга келгандим...

Кечки пайт чойхонага кириб келишди. Орадан бироз вақт ўтгач, раис гап бошлади:

— Азимжон, Бўка қишлоқ Совети ижроком қарорига биноан шаҳар типидаги посёлкага айлантирилди. Эндиликда марказимиз ўз салобати, кишиларимизнинг турмуш даражаси билан шаҳарга фарқ қилмаслиги керак. Бу янги посёлка Советига янги раис керак. Шу мақсадда олдингизга келгандим...

ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР АМАЛИЙ ИШДА

Посёлка Советининг мажлислари залида халқ хизматкорлари, жонкуяр депутатлар ўтиришибди. Халқ маорифи доимий комиссиясининг раиси Мамадали Абдуллаевнинг ҳисоботи тингланмоқда.

— Бўка посёлкаси ташкил этилганига икки йил бўлди,— деди минбардан туриб Мамадали ака.— Раисимиз Азим ака Азизов раҳбарлигида қишлоғимизни янада обод ва кўркамлаштиришда унумли ишлар қилинди.

Ўртоқ Абдуллаев ўзи раҳбарлик қилаётган комиссия депутатлари томонидан амалга оширилган ишлар устида батафсил тўхталиб ўтди.

Халқ маорифи доимий комиссияси тўққиз кишидан иборат. Убайдулла Шоднев, Бодомой Шокирова, Екатерина Грехова, Саломат Ганиевалар хизматидан аҳоли мамнун бўлмоқда. Посёлкада учта ўн йиллик, иккита саккиз йиллик мактаб бор. Уларда 3332 ўқувчи билим олмоқда. Ўтган йили 400 ўқувчига мўлжалланган Гагарин номли мактаб қуриб битказилди. «Ленин йўли» колхозида марказдан анча узоқда жойлашган участка бор. Бу ердан қатнаб ўқиш қийин. Депутатлар жонкуярлиги, ҳаракати билан участкада Бобир номли мактаб филиали қурилмоқда. Янги ўқув йилида унинг эшиклари очилади. Еш авлодни коммунистик рухда тарбиялаш, уларга пухта билим бериш, ўқитувчиларнинг билим савиясини мустаҳкамлаш юзасидан депутатлар катта тадбирларни амалга оширмоқдалар.

— Янги ўқув йилига тайёргарлик қандай кетаяпти,— Азим ака докладчига савол берди.

— Барча мактабларда бўлиб, ўқув йили олдидан қилинаётган ишларни текшириб чиқдик; ремонт ишлари 100 процент тамомланди. Шу кунларда мактабдан кетиб қолган болаларни ўқишга жалб этиш борасида хонадонларга кириб, амалий иш олиб бормоқдамиз...

Посёлка Советида жами 70 депутат бор. Улар қишлоқни янада обод этиш, ҳаётни фаровон қилиш учун тинмай ҳаракат қилмоқдалар. Тўққиз доимий комиссия ишлаб турибди. Шулардан Юсупжон Икромов бошлиқ соғлиқни сақлаш, Мурод Тожибоев бошлиқ саноат, транспорт ва қурилиш, Федосия Петровна Гаранова раҳбарлик қилаётган ёшлар билан ишлаш комиссиялар фаолияти мақтовга сазовордир.

Коммунист Азим ака Азизов бошлиқ посёлка Советининг депутатлари томонидан икки йил ичида амалга оширилган ишларнинг айримларини келтириб ўтмоқчимиз. 1969 йилда икки қаватли маданий-маиший комбинат қурилди. «Лола» универмаги ишга туширилди. Жами 34 та кўча бор. Шулар ичида асфальт қилинмаган, Ильич чироғи ёнмаган, водопровод келтирилмаган кам топилади. 254 хонадонда ҳовли тўлари ўтказилди. Пахта тозалаш заводида шу йил 50 ўринли ётоқхона, икки қаватли идора биноси қурилди. Тинч номли кўчада 90 ўринли болалар боғчаси ишга туширилди. Эндиликда унинг барчида юзлаб кичкинтойлар тарбия олишмоқда. Икки йил мобайнида меҳнаткашларга 19 минг дона шифер ва қурилиш материаллари берилди. Аҳолидан 222 та ариза тушган эди. Шулардан 196 таси депутатлар томонидан ижобий ҳал қилинди.

КЕЛАЖАГИ ПОРЛОҚ

Туш пайти. Осмон узра чарақлаб турган саҳий қуёш кенг далаларга, боғларга, қир-адирларга нур таратмоқда. Рўзал табиат, бутун борлиқ ҳаракатда. Равон кўчаларда машиналар қатнови тинмайди. Магазин, ошхона, ресторан, чойхоналар одамлар билан гавжум. Ҳамроҳимиз Азим ака билан қишлоқ кезмоқдамиз.

Машина каттакон тепалик олдига келиб тўхтади. Тепалик устида баҳайбат бульдозерлар, тракторлар наъра тортар, беҳисоб кишилар бетондан пойдевор ўрпатишарди.

— Бу ер яқин келажакда қишлоғимизнинг энг муқаддас манзилгоҳи бўлиб қолади,— тушунтирди Азим ака ва ҳаёлга чўмди:— Лаънати уруш биргина Бўка райони бўйича 3 минг ўғлонимизни ўзи билан олиб кетди. Шу кунги бахтиёр ҳаётимиз учун жонларини фидо этган асл фарзандларимиз хотирасини абадийлаштириш мақсадида шу азим тепаликни ёдгорлик хиёбонига айлантирмоқчимиз. Бу хайрли ишга барча кишиларимиз бош қўшишмоқда.

Машина ўнга бурилиб, ҳаза кўчасига чиқиб олди. Йўлнинг ўнг ва сўл томонларида қурувчилар кран машиналари ёрдамида бетон столбаларини ўрнатишмоқда эди.

— Кўраяпсизми, эски ёғоч столбаларни қўпориб ташламоқдамиз,— деди оқсоқол.— Мана бу янги ўрнатилаётган столбаларга кундузги неон чироқлари қўямиз.

Хиёл юргандик, ўнг томонимизда ажойиб манзара гавдаланди. Беш гектар келадиган боғ. Унга декоратив дарахтлар ўтказилган, гуллар очилиб ётибди.

— Яқиндагина бу ерлар ташландиқ эди,— гапида давом этди раис.— Депутатлар билан маслаҳатлашиб, бу ерни боғу-рогга айлантиришга қарор қилдик. Беш минг туп ниҳол ўтказдик, сув келтирилди. Эндиликда бу ер меҳнаткашларнинг ажойиб сайргоҳига айланди. Улкан қурилишлар олиб боряпмиз. Ленин кўчасида икки қаватли босмахона қурилади, тўрт қаватли қишлоқ хўжалигини механизациялаш техникуми бунёд этилади. Район партия комитети ҳовлисида Билимлар уйи қурилмоқда.

Раис қишлоқнинг эртанги истиқболи ҳақида фахрланиб гапирар, биз бўлсак, бу ерларнинг ҳозирги кўриниши ва келажагида гўзал ва обод шаҳарни кўрардик.

Сўлим чойхонада ўтирибмиз. Боғла анвойи гуллар очилган. Райҳон ҳиди димоққа урилиб, ором бахш этади. Ўйноқилаб сув оқмоқда. Нуроний отахонлар, навқирон ёшлар ёру-биродарлари билан давра қуришган. Радиодан ёқимли куй янграмоқда. Чойхоначи Ҳамроқул ота Рисқиев, шогирди Раҳмат Ўрмоновларнинг қўли-қўлига тегмайди.

— Бутун умрим шу қишлоқда ўтди,— деб эслайди.— Ҳайдар ота Турсунқулов.— Қачонлардир кичиккина, кўримсиз қишлоқ эди. 30 киши бир қозонда ош ердик. Совет ҳокимияти ўрнатилгач, багримизга шамол тегди. Куни кеча қишлоқ кўчаларидан ўтиб адашиб қолай дебман. Шунчалик кенгайиб, ободлашиб кетибди, бизларга катта ғамхўрлик кўрсатаётган партиямизга раҳмат. Қолаверса, тиниб-тинчимас депутатларнинг ҳаракатида гап кўп экан. Умрларидан барака топишсин.

Дарҳақиқат, саховатли қалб эгалари, жонкуяр депутатлар ҳавас қилса арзигулик яратувчанлик ишларни амалга оширмоқдалар. Уларнинг астойдил қилаётган ҳаракатлари билан қишлоқ фаровон — дил ғарогон бўлмоқда.

И. ЮСУПОВ,
Бўка район, «Бўка» посёлка совети.



ПОСЕЛКАДА кейинги йилларда ишга туширилган «Лола» универмаги ва «Бўка» авто станцияси.



Ушбу суратда посёлканинг маркази тасвирланган.

Озод Абдураҳмонов фотолари.

ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИ УЧУН

ИСТИҚБОЛ ОМИЛИ

Корхона истиқболини янги техника, технологиясиз, рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларисиз тасаввур этиш қийин. Меҳнат унумдорлигини ошириш, ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, корхонани сердаромад қилишнинг бош омили асосан ана шулар. Корхонамизнинг кейинги йиллардаги фаолияти таҳлили буни яққол кўрсатиб турибди.

Беш йилликда меҳнат унумдорлиги йилига ўрта ҳисобда 13—14 процентдан ортмоқда. Ташкилий-техникавий ишларнинг ўзидан ўтган йили 670 минг сўм иқтисодий самара кўрдик. Меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ўтган тўрт йилда салкам 150 минг сўмни тежаб қолишга имкон берди. Тўрт йилда 278 та рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари ишлаб чиқаришга жорий этилиб, 440 минг сўм фойда кўрдик.

Техникани ривожлантиришга қаратилган тадбирларнинг корхонамиз тараққиётида замин бўлаётганини кўрсатувчи бундай фактларни истаганча келтириш мумкин. Коллективимиз, қолаверса, ҳар бир ишчи янгиликка ихлос қўйган, корхона истиқболи учун жон куйдиради. Янги машиналардан зудлик билан фойдаланишга, уни иложи борича унумли ишлатишга интилади.

Фирмамиз яқинда 220 классли янги тикув машинаси олди. Илгари 59 классли тикув машинасидан фойдаланардик. У машина фақат тикарди. Янги машина тикиш билан бирга зарур вақтда ишни автомат тарзда узиб ҳам кетади. Унумни ҳам яхши. Уни зудлик билан ишлаб чиқаришга жорий этдик. Ҳозир бундай машиналардан бештаси ишлаб турибди. ТМ-1 машинаси ўрнига 68 классли машинани оперативлик билан қўйганлигимиз ҳам ишимиз унумини оширишга ёрдам беради. ТМ-1 машинаси битта иш жараёнини бажариш билан чекланарди. Янгиси универсал. Иккита ишни бажаради. Ҳам тикади, ҳам пальто деталларини номерлаштиради. Натижада меҳнат унумдорлиги икки марта ошди. Икки та 68 классли машинани цехларга қўйишимиз билан 20 ишчидан бошқа юмушларда фойдалана бошладик.

Умуман, кейинги йилларда янги машина ва ускуналардан самарали фойдаланишга жиддий эътибор бераяпмиз. Тўрт йил мобайнида 254 та ускуна ўрнатдик, прогрессив технологияни жорий этишга қаратилган 34 та тадбир амалга оширилди. 49 та ускуна модернизация қилинди. Рационализаторлик таклифларидан келаётган иқтисодий самарадорлик катта бўляпти. Битта мисол: олдин эркаклар пальтосининг этаги 4 сантиметр қайтариларди, аёллар ва ўсмирларникида эса 3 сантиметр қайтарардик. Бир группа рационализаторларимиз бу масалани ўрганиб чиқишди. Агар эркаклар пальтоси ҳам 3 сантиметр қайтарилса, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатмас экан. Таклиф жорий этилди. Ҳисобимизга кўра ундан бир йилда 3300 квадрат метр материални тежаб қоламиз. Шунда салкам 45 минг сўм фойда кўрилади.

Фирмамизнинг Қўйлиқдаги филиали бошлиғи О. Давидов, катта инженер Н. Кудинов билан бирга яқинда яна бир қимматли таклиф билан чиқишди. Улар 22 классли «АПМЗ» тикув машинасига янги мослама ўрнатишди. Илгари пальто адашини тикиш икки қўлдан ўтарди. Мосламали машина ҳар икки юмушни бажаради. Таклифнинг самарадорлиги 7,5 минг сўм бўлди.

Бундан тўрт йил илгари фирмамизда меҳнатни илмий ташкил этиш ишлари бошланган эди. Шундан буён НОТ бўйича 13 та план амалга оширилди. Натижада 87 киши бошқа юмушга ўтказилди. Бу планларни амалга оширишда ишчилар ўртасида иқтисодий билимлар кенг пропаганда қилинаётгани кўл келмоқда. Ўзимизда курслар ташкил этилган. Унда малакали мутахассисларимиз машғулот ўтказишади. Ҳозир 600 дан ортиқ ишчи бир неча касб эгаси. **Юбилей йилининг 6 ойи давомида НОТ тадбирларидан 24 минг сўм фойда кўрган эдик. Қолган ойларда 26 минг сўм фойда олишни мўлжаллаяпмиз.**


Бу йил фирмамизда тажриба сифатида барча ишларни комплекс бажарадиган бригада ташкил этилди. Бригаданинг аъзолари маҳсулот тайёрлаш ишларини бошдан-оёқ ўзлари бажаришяпти. Ҳозирча коллективнинг иш якунлари яхши. Меҳнат унумдорлиги ўрта ҳисобда 13,5 процент ортди.

Буюртмачилар дидн ва талаби ишимиз мезони. Уларга маъқул бўладиган моделларни ишлаб чиқариш энг биринчи вазифамиздир. Корхонамиз коллективи 1969 йилнинг 6 ойида 78 та модални ишлаб чиқаришни ўзлаштирган эди. Бу йил шу муддатда ўзлаштирган моделларимиз юздан ортиб кетди. Айниқса, жерси, сунъий замша материалларидан пальто тикиш кўпайди. Харидорбоп моделлар танлашда Москва, Ленинград ва Киевдаги тикувчилик фирмалари иш тажрибасидан ўрганяпмиз. Мутахассисларимиз тез-тез ана шу корхоналарда бўлишади. Шунингдек республикамиз моделлар уйида намойиш этилаётган кўргазмалардан фойдаланяпмиз.

Навоий химия комбинати, Тошкентдаги трактор заводи ва «Юлдуз» тикувчилик фирмаси коллективларининг КПСС XXIV съезди шарафига мунosиб совға тайёрлаш ҳақидаги ташаббусларини қизғин қўллаб-қувватладик. Беш йиллик планни 4 ноябргача бажаришга аҳд қилганмиз. 7 ойлик планни ортиғи билан ўрнидик. **Тўрт йилда маҳсулот реализация қилиш 32,6 процент ортди. Ҳар бир киши ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқариш 59,2 процент кўпайди, ишчиларнинг маоши 35 процент ортди.** Бир сўмлик товар маҳсулоти учун 88,87 тийин ўрнига энди 79,36 тийин сарфлаяпмиз. Бу ютуқларимизнинг ҳаммаси янгилик шарофатидир. Шунинг учун ҳам корхонамиз истиқболини янги техника, технология ва машиналарга боғлаяпмиз.


И. БАБАЯНЦ,
Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик фирмаси бош инженери.

ОНА-ВАТАН БЎЙЛАБ



БЕЛОРУССИЯДАГИ автомобиль заводида тайёрланган автосамосвал машиналарини мамлакатимизнинг турли шаҳар ва районларида кўриш мумкин. Ҳар куни машиналар колоннаси Гомель орқали турли шаҳарларга йўл олади. Суратда: Гомелдаги вокзал майдонида жўнатишга тайёрлаб қўйилган машиналар.

Ч. МЕЗИН фотоси. ТАСС.



СТАВРОПОЛЬ ЎЛКАСИ. Ўлкадаги колхоз ва совхозларда ғалла ўрими ниҳоятда уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Бу ишга 9 мингга яқин комбайн, 22 мингдан зиёд автомашиналар жалб этилган. Комбайн бошқарувчиси коммунист В. Дьяков (чапдан биринчи) ва штурвалчи В. Подопригинни Совет районидаги «Партия XXII съезди» колхози касаба союзи раиси Н. Федоров мусобақада ғолиб чиққанлиги учун табрикламоқда.

К. ТАРУСОВ фотоси. ТАСС.



СВЕРДЛОВСК ОБЛАСТИ. Бу сурат «Вахрушевуголь» трести кўмир разрезида олинган. Г. И. Другов бошлиқ коммунистик меҳнат бригадаси кўмир ортиш ишлари бўйича беш йиллик топшириқни бажарганига анча бўлди. Суратда: Г. И. Другов (ўртада) экипаж аъзолари билан.

А. ГРАХОВ фотоси. ТАСС.

МАРКСИЗМ-ЛЕНИНИЗМ ПРИНЦИПЛАРИГА САДОҚАТ

БУДАПЕШТ, (ТАСС). Венгер халқи халқ республикаси тарихидаги муҳим воқеа — Венгрия Социалистик Ишчи-партиясининг X съездига тайёргарлик кўрмоқда. Венгрия Социалистик Ишчи партияси Марказий Комитетининг директивалари ва партия уставига узгартиришлар киритиш лойиҳаси яқин кунларда партия ташкилотларида муҳокама қилина бошлайди.

«Непсабадшаг» газетаси бугун ана шу шонли воқеага бағишлаб редакцион мақола босиб чиқарди. Интернационалистик сиёсат принципларига содиқ бўлган Венгрия Социалистик ишчи-партияси, дейилади мақолада, жаҳон социалистик системасининг кучларини мустаҳкамлаш, антиимперналистик бирликни мустаҳкамлаш ва халқаро ишчилар синфи курашини ва миллий озодлик ҳаракатларини кучайтириш манфаатларини кўзлаб иш олиб бормоқда.

Мақолада партиянинг кейинги съездидан буён ўтган тўрт йил ичида Венгрия Халқ Республикаси партияси ва ҳукуматининг халқаро майдондаги обрўси ўсганлиги таъкидлаб утилади. Газета қуйидагиларни ёзади: мамлакатнинг ички аҳволи мустаҳкамланди, социалистик негизлари бунёдкорлик меҳнатида муваффақиятлар қўлга киритилди. Биз ҳамиша очиқ ва равшан, принципиал сиёсатни ўтказиб келаётганлигимиз учун бунга эриша олдик.

Совет Иттифоқи ҳамда Варшава Шартномасида қатнашувчи давлатлар билан иттифоқ ва ҳамкорлик, деб таъкидлайди «Непсабадшаг» газетаси,—халқаро сиёсатимиз учун асосдир. Бизнинг принципларимиз, коммунистик ва интернационалистик эътиқодимиз шуни тақозо этади.

Дунё хабарлари

МАМЛАКАТЛАР ОДАМЛАР ВОҚЕАЛАР

ТЕЛЬ-АВИВНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

Яқин Шарқда ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битим кучга кирганидан бери икки ҳафтадан зиёд вақт ўтган бўлишига қарамай, Хавфсизлик кенгашининг 1967 йил 22 ноябрда қабул қилган резолюциясини амалга ошириш юзасидан Исроил, Бирлашган Араб Республикаси ва Иордания ўртасидаги музокаралар ҳамон бошлангани йўқ. Музокаралар БМТ Бош секретарининг вакили Г. Ярринг воситачилигида бошланмоғи керак эди, аммо у актив ҳаракат қилиш имкониятидан маҳрум бўлиб келмоқда.

Кузатувчилар музокараларнинг чўзилиб кетганлигига Исроил айбдор демоқдалар. Американинг ЮПИ агентлиги хабарига кўра, «Исроилнинг хаттиҳаракати» хатто Вашингтондаги доираларни ҳам «шубҳага солиб қўймоқда». Баъзи расмий кишиларнинг фикрига кўра, деб ёзади агентлик, «илгари уруш ҳаракатларини тўхтатишни очиқдан-очиқ истамаган Исроил ҳукумати эндиликда ўт очишнинг тўхтатилишидан бош тортишга уринаётган бўлса эҳтимол».

Тель-Авив процедурага доир масалаларни хилма-хил йўллар билан чўзмоқда. Жумладан, у музокаралар Кипрда ўтсин, деб талаб қилмоқда, холбуки, БАР, Иордания ва Яррингнинг ўзи Нью-Йорк энг яхши жой бўлар эди, деб ҳисобламоқдалар. Исроил самолётлари партизанларга қарши қураш баҳонаси билан сўнгги ҳафта ичида Иордания территориясини тўрт марта бомбардимон қилди ва ўққа тутдики, Иордания ҳукумати буни ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимнинг бузилишидир, деб қараётганлиги тўғридир. Исроил солдатлари Ливан территориясининг ичкарисига ҳам бир неча марта юриш ўтказдилар.

Айни маҳалда Тель-Авив ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битим кучга кирганидан сўнг Сувайш каналига гўё Миср нинг «Ер-Ҳаво» типидаги ракеталари келтирилди деб БАРни айблаб, тухматчиликдан иборат пропаганда компаниясини авж олдириб юборди.

Бу борада Исроилнинг бўхтонига Вашингтондаги расмий доираларнинг муносабати эътиборга сазовордир. Давлат департаменти ракеталарнинг ҳаракат қилиши «мумкин бўлган гап», Қўшма Штатлар бу борадаги Исроилнинг важларини «ўрганиб чиқмоқда», Аммо «ушбу масала юзасидан бирон баёнот берилмаса керак», деди. Давлат департаменти «элчи Ярринг ситачилигидаги мунозараларни» иложи борича тезроқ «бошлаб юборишни» таклиф қилади. Бошқача қилиб айтганда, Қўшма Штатлар БАР шаънига қўйилган айблардан кечмаган ҳолда Исроилнинг музокаралар бошланишига ҳалақит берувчи пропаганда кампаниясини маъқуллаётганлигини Исроилга шама қилди.

Тель-Авивнинг қўпорувчилик найрангларига қарши БАРнинг конструктив позицияси ҳеч шубҳа уйготмаяпти. Ҳозир, дейилади БАР ташқи ишлар министрлигининг баёнотида, «барча куч-қувватлар Яррингнинг БМТ Хавфсизлик кенгаши резолюциясини амалга оширишни мақсад қилиб қўйган миссияси муваффақиятга эришмоғига қаратилмоғи лозим». БАРнинг Қўшма Штатлардаги манфаатларини кўзловчи миссия бошлиғи А. Горбал БАР ўт очишни тўхтатиш тўғрисидаги битимни ҳурмат қилади ва Яқин Шарқда тинчликни қарор топдиришга маҳкам бел боғлаган, деб таъкидлади.

С. ИВАНОВ,
В. ХАРЬКОВ,
Г. СКОБЕЛЕВ.
ТАСС.

ИШСИЗЛИК АВЖ ОЛМОҚДА

ЛОНДОН, (ТАСС). Мамлакатда ишсизлик тўхтовсиз авж олаётганлиги муносабати билан ингиз матбуоти бонг урмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, ҳозирги вақтда Буюк Британияда 645 минггa яқин киши, яъни мамлакатда меҳнатга қобилиятли аҳолининг 2,6 процента ишсиздир. Шимолий Ирландияда ишсизлар айниқса кўп.

«Дейли экспресс» газетаси «бу йил урушдан кейинги бутун даврда энг оғир йил эканлигига шак-шубҳа йўқ», деб ёзади.

«Лейбористлар ҳукумати даврида авжига минган ишсизлик, —деб таъкидлайди «Сан» газетаси,— консерваторлар ҳокимият тепасига келгандан кейин ҳам авж олмоқда».

ЖИНОЯТ КУЧАЙМОҚДА

ПАРИЖ. (ТАСС). Париж полициясининг бошлиғи Морис Гримо матбуот конференциясида йилнинг биринчи ярмига яқун ясаб, жиноят ҳаддан ташқари тез ортиб бормоқда, деган хулосага келди. Шу давр ичида полиция 108 мингдан зиёд марта қонун-тартиблар бузилганини қайд қилди. Кейинги ўн йил ичида эса қилинган жиноятлар сони 70 процент кўпайди.

ШОНЛИ БАЙРАМ ШАРАФИГА

СОФИЯ, 22 август. (ТАСС). Болгария корхоналарида, қишлоқ хўжалик кооперативларида яқинлашиб қолган 9 сентябрь байрами—озодлик куни шарафига социалистик мусобақа қизиб кетди. Кўпгина корхоналар ва саноатнинг бутун-бутун тармоқлари саккиз ойлик ишлаб чиқариш топшириқлари муддатидан илгари бажарилганлиги ва пландан ташқари маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги тўғрисида рапорт бермоқдалар. Ҳосил йиғиштириб олинаётган далалардан хуш хабарлар келиб турибди.

Шахтёрлар зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар. Кончилар ҳар куни пландан ташқари неча ўн минг тонналаб кўмир қазиб чиқармоқдалар.

Видиндаги синтетик тола комбинати қурувчилари янги цехларни муддатдан илгари ишга туширмоқдалар. Темирйўлчилар юк ташиш планини ошириб бажармоқдалар, денгиз транспорти, граждан авиацияси ходимлари баланд руҳ билан ишламоқдалар.

Болгария қишлоқларининг меҳнаткашлари мўл дон ҳосилини йиғиштириб олдилар. Гектар бошига ўрта ҳисобда 28,5 центнердан бугдой олинди. Мўл мева ва сабзавот ҳосили ҳам йиғиштириб олинмоқда.



ХАНОЙ. Вьетнам Демократик Республикасининг пойтахтидаги магистраль кўча Катта театрдан то Президент саройигача давом этади. Кўчанинг икки томонига турли магазинлар, марказий универмаг, кинотеатр, газета редакциялари, кўргазма заллари, музей ва бошқа маданий-маиший бинолар жойлашган. Суратда: магистраль кўчаларининг бирида.

В. СОБОЛЕВ фотоси. ТАСС.

«ТИНЧЛИК УЧУН ЮРИШ» ЎТКАЗИШ ПЛАНЛАРИ

НЬЮ-ЙОРК, (ТАСС). «Вьетнам ветеранлари урушга қарши ташкилоти «Тинчлик учун юриш» ўтказиш планларини эълон қилди. Бу юриш 4 сентябрда Морристаун шаҳрида (Нью-Жерси штати) бошланади ва 7 сентябрда Вэлли Форж шаҳрида (Пенсильвания штати) Америкaнинг Шарқи-Жанубий Осиёда давом эттирилаётган қуролли интервенциясига қарши оммавий норозилик митинги билан тугалланади.

Митингда Америкaнинг машҳур артисти Жейн Фонда, руҳоний Жеймс Бевел ва мамлакатда урушга қарши ҳаракатнинг бошқа активлари сўзга чиқадилар.

АҚШнинг бир қанча таниқли сиёсий арбоблари ва, жумладан, сенаторлардан Ж. Макговерн ва Э. Маскилар «Тинчлик учун юриш» ташкилотчиларининг мақсадларига қўшилганликларини айтишди.

ҲАММОМ ҚАЧОН БИТАДИ?

Калинин районидаги Ильич номли колхозининг Ҳасанбой қишлоғида қурилаётган ҳаммом «туя гўшти» еган қурилишлардан чиқиб қолди. Мана уч йилдирки, унинг битишининг охири кўринмайди.

1968 йили колхозда ҳаммом қуришга қарор қилинди ва қурилиш учун 11 минг сўм маблағ ажратилди. Лойиҳа, смета тайёр, фақат ҳаммомни ким қуриш кераклиги муаммо бўлиб қолди. Ана шу муаммо устида бош қотириб туришганда Калинин районидаги колхозлараро қурилиш бошқармаси бошлиқлари «бу ишни биз қойил қиламиз» дейишди.

Бошқарма қурадиган, колхоз эса уларнинг меҳнатига ҳақ тўлайдиган бўлди. Шартномага иккала томон қўл қўйди. Шу йилнинг қишидаёқ бошқарма ишчилари «тезкорлик» билан ишга киришиб кетди. Бино пойдеворини қуриш учун материаллар келтирила бошланди. Машиналар бошқармадан қишлоққа, қишлоқдан бошқармага ғиз-ғиз қатнаб цемент, шағал, ғишт таший бошладилар.

Қишлоқ аҳолисининг орзида дув-дув гап: нима дейсан ёзга келиб ўзимизнинг ҳаммомга эга бўламиз. Энди ҳаммом деб шаҳарга қатнаб юрмаймиз.

Аммо... Орадан икки ҳафта ўтмай, ҳаммом қурилиши таққа тўхтатилди. Бошқарма вакиллари колхоз раиси ўртоқ С. Раҳматуллаевнинг ёнига келишиб:

—Ўртоқ Раҳматуллаев колхозда жуда кўп аҳоли яшаса-ю, 10 кишилик ҳаммом қурдирсангиз. Ҳимматингизга балли-е. Ҳеч бўлмаса лоақал 20 кишилик бўлса ҳам майли эди,—дейишиб 20 кишилик ҳаммом қуришга рақснинг розилигини олишди.

Машиналар қатнови яна тезлашди, ишчиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Бирмунча вақт ўтгандан сўнг ҳаммом пойдевори тайёр бўлди. Эндиги ишлар ғишт териш, ҳаммом учун керак бўлган барча жиҳозларни келтириш ва ўрнатишдан иборат.

Афтидан ишни бошлаб қўйиб, кейин ташлаб кетишга ўрганиб қолган бошқарма буёғига бўлсабўларчиликка ўтиб олди. Ғишт териш ишлари суст лик билан бошланди. Хайриятки амаллаб тўрт деворини кўтариб олишди. Шу билан иш тамом-вассалом.

Бошқарма ўз ҳисобига 11 минг сўм пул ўтказиб олган. Энди шошмаса ҳам бўлаверади. Ҳаммомнинг кенгайиши натижасида сметада кўрсатилган пул қилинаётган ишга етишмай қолди, бошқарма вакиллари бундан фойдаланмай қолмадилар, албатта. Улар қўшимча маблағ ажратишни талаб қилиб колхозга келишди. Колхоз раҳбарлари рози бўлишди, «йўқса ҳаммом қурилиши ўлда-жўлда қолиб кетади» деган гаплар ҳам бўлиб ўтди. Яна 4900 сўм пул бошқарма счетига келиб тушди. Бу ҳам етмаганидек бошқарма қилинган ишларни ҳисоблаб чиқиб, бир ўрнига учни кўрсатиб, колхоз ҳисобига яна 4 минг сўмлик счёт юборди. Натижада ҳаммомнинг тўрт девори колхозга салкам 20 минг сўмга тушди. 19.900 сўм пулни счетига ўтказиб олган бошқарма ҳаммомга қарамай ҳам қўйди.

Ҳаммомнинг қурилиши ҳақида «Ленинчи» газетаси «Туя гўшти еган ҳаммом» сарлавҳаси остида мақола босиб чиқарди. Район ташкилотларида ҳаммом масаласи бир неча бор кун тартибига қўйилди. Қурилишга ёрдам берамиз, деб бир оғиздан қарор қабул қилинди. Қарор қоғозда, ёрдам оғизда қолаверди.

Хўш, уч йилдан бери қурилаётган ҳаммом қачон битади? Колхознинг салкам 20 минг сўм пулини олиб, қурилишни ўлда-жўлда ташлаб қўйган колхозлараро қурилиш бошқармаси бошлиқлари бу саволга нима деб жавоб беришаркин?

И. АБДУКАРИМОВ.



САНИИРИнинг суғориш техникаси бўйича илмий-текшириш станциясида ёмғир усулида экинларни суғориш бўйича ишланган агрегатни синаб кўриш давом этмоқда. Агрегат анча қулайликларга эга. У ҳар томонга 60 метргача сувни ёмғир усулида сочиб бера олади. Бу агрегат ўртоқ В. Бандаревский раҳбарлигидаги илмий ходимлар томонидан тайёрланган. Суратда: трактorга ўрнатилган ёмғир усулида суғорадиган агрегат.

Б. МАЗУР фотоси, (ЎзТАГ).

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

ЛОНДОН

Англия автомобиль саноатининг корхоналарини қамраб олган янги забастовкалар тўлқини саноатнинг шу тармоғида ишлаб чиқариш ҳажмининг анча қисқаришига олиб келди. Веллингтондаги автомобиль қисмлари ишлаб чиқарувчи заводнинг иш ташлаган 5 минг ишчиси ёнига Ковентри, Бирмингем ва Дарластондаги автомобиль заводларининг минглаб ишчилари қўшилди. Иш ташлаганлар иш ҳақи оширилишини ва меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб қилмоқдалар.

Уэйбриждаги авиация заводининг 6 минг ишчиси ўз ўртоқларидан 250 киши ишдан бўшатиб юборилганлигига қарши оммавий норозилик митинги ўтказдилар. Митинг қатнашчилари корхона эгалари чиқарган қарорларини бекор қилмагунларича иш вақтидагидан ташқари ҳеч қандай иш бажармасликка қарор бердилар.

ОТТАВА

Онтарио, Квебек, Манитоба, Британия Колумбияси вилоятларидаги қариб 200 почта бўлими ёпиб қўйилган. Канаданинг 27 минг почта ходими қимматчилик муносабати билан иш ҳақи оширилиши, гарантияланган иш билан таъминланиш, меҳнат шароитларини яхшилаш тўғрисидаги талаблари қондирилиши учун 2,5 ойдан бери қатиқ қураш олиб бормоқда.

РАВАЛПИНДИ

Ғарбий Покистоннинг катта саноат маркази — Лаялпурда бир неча тўқимачилик корхоналари ишчиларининг забастовкаси бошланганига 2 ойдан ошиб кетди. Улар иш ҳақи оширилишини, меҳнат шароитлари яхшиланишини талаб қилмоқдалар, қонунга хилоф равишда ишдан бўшатиб юборилишларга қарши норозилик билдирмоқдалар.

(ТАСС).

ХУШХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР


РАВОН ЙЎЛЛАР

Пскент-Бўка йўли кўркамлашиб бормоқда. Район йўл қурилиш участкаси ходимлари бу йил йўлни қайта ремонт қилиб, асфальт ётқиздилар. Ярим йиллик план топшириқларн ошириб бажарилди. Ўтган етти ой ичида район территориясидаги 312 километр йўл капитал ва ўрта ремонтдан чиқарилди.

Участка қурувчилари шу кунларда барча техника воситаларини ишга солиб, пахта йиғим-теримигача транспорт қатнайдиган йўлларни тўла қўлдан чиқариш учун бел боғлашган. Жумладан, Пскент -Муротали, Бўка-Ленин йўли, Карл Маркс номли колхоз йўллари сифатли ремонт қилинди. Бу ишда Қорабоев, Холов, Вакуленко ва бошқа ўртоқлар кунлик нормаларини 110—120 процент адо этиб, коллектив ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

КИЧКИНТОЙЛАРГА СОВҒА

Яна бир неча кундан сўнг мактаб эшиклари очилади. Сукунатдаги синфлар бахтиёр кичкинтойларимизни яна ўз бағрига олади. 159-тресининг 22 қурилиш бошқармаси қурувчилари томонидан «Октябрь» массивининг «Якдил» кўчасида бунёд этилаётган 1100 ўқувчига мўлжалланган янги мактаб ҳам иш бошлайди. Ҳозир бу ерда сўнгги пардозлаш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Спорт майдончалари текисланиб, анжомлар билан жиҳозланмоқда. Янги мактаб биноси темир-бетон конструкцияси асосида бунёд этилган.



Сабзавотчилик, боғдорчилик ва картошка илмий-текшириш институти учун янги бино қурилди. Суратда: илмий муассаса янги биносининг умумий кўриниши.

Х. Ҳайитмуҳамедов фотоси.

МЕҲР ИККИ КЎЗДА

Бағри кенг Тошкентимиз яна меҳмон кутяпти. У узоқ-яқиндан йўл тортиб келувчи азизлар истиқболига байрам либосини кияяпти. Ўзбекона удум шу: меҳмон келмоқчи экан, мезбон ҳамма ёқни ораста қилиб қўяди. Тошкентда ўтказиладиган Осиё ва Африка мамлакатларининг Иккинчи халқаро кинофестивали Бош дирекциясини ҳам меҳмон ҳурматига ниманки лозим бўлса, ҳаммасини муҳайё қилаяпти.

Тошкент кинофестивали жаҳон киноижодкорларининг, хусусан икки буюк китъа — Осиё ва Африка киночиларининг гўзал анъанасига, икки йилда бир марта бўладиган тантанавор байрамига айланиб қолди. Байрамгина эмас, бу киноанжуман дўстлашувга бир баҳона, ижодий ҳамкорликка ундовчи восита, маданий алоқаларнинг мустаҳкамланишини таъминловчи омил. Энг муҳими бу киноанжуман ТИНЧЛИК, ИЖТИМОИЙ РАВНАҚ, ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ учун кураш ишига жуда катта ҳисса бўлиб қўшилади.

Меҳр иккала кўзда бўлади, дейди халқимиз. Бу нақл отабоболар, неча асрлар насллари тажрибасидан ўтган. Бир дийдор кўришмоқ, бир нафаслик самимий суҳбат, кўнгил ғуборини ювиб ташлагувчи дил-дилдан дардлашишдан кўра лаззатлироқ ҳоҳиш бўлмаса керак. Бир-биридан анча узоқ бўлган, бир-бирини фақат китоблардан, фильмлардан ва яна бошқа воситалардан билган Осиё ва Африка халқларининг шу ҳоҳишлари ҳисобга олинди: СССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон Министрлар Совети кинематография давлат комитетларининг ҳамда СССР ва Ўзбекистон ССР кинематографчилар союзларининг ташаббуси билан 1968 йили Осиё ва Африка мамлакатлари кино ходимларининг Биринчи Халқаро кинофестивали чақирилди. Бу киноанжуман Осиё ва Африка халқларининг дўстлик байрамига айланди.

Тошкентда ўтказилган 1958 йилги ва 1968 йилги кинофестивалларнинг бутун жаҳонга довруғ солди, бутун прогрессив инсониятда зўр таассурот қолдирди. Хусусан, Биринчи Тошкент халқаро кинофестивали деб ном олган 1968 йилдаги жаҳон матбуотининг, прогрессив инсониятнинг аъло баҳосига сазовор бўлди. Прогрессив инсоният ва матбуот фестивалимизнинг шиорини маъқул топдилар. «ТИНЧЛИК, ИЖТИМОИЙ РАВНАҚ, ХАЛҚЛАР ОЗОДЛИГИ УЧУН». Дарҳақиқат, Биринчи кинофестивалда намойиш қилинган фильмлар шу шиорга тўла равишда жавоб берди.

Фильмлар ҳақида фестивалга қатнашган мамлакат вакиллари ва чет эл матбуоти қизғин мунозара олиб боришган эди. Баъзи чет эл матбуотлари фильмларнинг сиёсий қимматини ерга уриш ёки камситиш билангина чекланишдилар. Бу мунозара олиб боришда ўта жўнликдир.

Биринчи фестиваль кунларида ташкил этилган «Тинчлик, ижтимоий равнақ, халқлар озодлиги учун курашда фильмларнинг роли» мавзуидаги мунозара бежиз эмас эди. Зеро, кино аҳолининг барча қатламларига тез етиб борадиган санъат бўлганлиги учун ҳам унинг сиёсий-ижтимоий аҳамияти беқиёсдир.

Тошкент кинофестивалининг мақсади ҳам тараққиёт учун хизмат қиладиган фильмларни намойиш қилишдир.

13 сентябрдан 25 сентябрга қадар Тошкентимизда ўтадиган Осиё ва Африка мамлакатлари Иккинчи халқаро кинофестивали экранлари ҳам Биринчи фестивалдаги шиор билан ёрийди, шу шиор мазмунига монанд фильмлар намойиш қилинади.

Ўзбекистон киночилари мазкур киноанжуманда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Арманистон, Озарбайжон, Грузия ва Россиядек азамат қардошлари билан бирга тўйбошчилик қилаяпти. Кинофестивалнинг биринчи куни Сандал сароймизда ўзбек киноижодкорлари яратган «Фавқулодда комиссар» бадиий фильми, «Самарқанд 2500 йиллиги» ҳужжатли лентаси билан бошланади.

Иккинчи Тошкент халқаро кинофестивалининг Ташкилот комитети Осиё ва Африкадаги олтмишдан ортиқ мамлакатга расмий таклифномалар юборилгандан буён кинофестивалнинг Ташкилоти комитети ва Бош дирекцияси адресларига кўплаб телеграммалар ва мактублар келиб турипти. Буларда таклифимизнинг мамнуният билан қабул этилгани билдирилган. Ҳиндистон, Иордания, Судан, Сурия, Ливан, Туркия, Бирлашган Араб Республикаси, Жазоир, Сенегал, Япония сингари Осиё ва Африканинг қатор мамлакатлари мазкур киноанжуманда қатнашишади. «Фаллоҳлар», «Фидойиларимиз», «Мулоҳаза», «Боду Рой», «Афюн ва гаврон», «Баҳор қуёши», «Уйлар», «Хаёл сотувчи», «Гупи ва Бачча саргузаштлари», «Водий фарзандлари», «Найчи билан раққоса муҳаббати» сингари қатор фильмлар томошабинларнинг баланд дидига ҳавола қилинади.

Кинофестивалимиз кинокўриккина эмас, балки у тажриба мактаби, фикрлар алмашиш, мунозара ва муҳокама анжуманидир. Фестиваль ҳар қандай рақобатлардан, савдогарчиликлардан ҳоли бўлганлиги учун ҳам барча мамлакатлар киномаҳсулотлари савияси жиҳатидан қатъий назар тенг ҳуқуқда қатнашадилар. Бу фестивалда совринлар истисно қилиниб, ижодий ташкилотларнинг эсдалик совғалари тақдим этилади.

Азиз меҳмонлар ўн кун давомида Ўзбекистонимизнинг совет даврида эришган фан ва техника ютуқлари, маданиятимиз равнақи, жаҳонга донг таратган олимларимиз, артистларимиз, санъаткорларимиз, пахтакорларимиз, ишчиларимиз, адиб ва шоирларимиз билан яқиндан танишадилар. Меҳмонларимизни бу навбат ҳам Самарқанд ва Бухородек қадимий шаҳарларимизга олиб борамиз, ўзбек халқининг қадимий ёдгорликлари, ҳозирги замон маданияти билан ўтмиш меросимизнинг ажойиб равишда уйғунлашганлиги билан таништирамиз.

Ўзбеклар учун меҳмон кўнгли хуш бўлса, бас. Ўзбек халқи эзгу ният шарофати билан яшаяпти. Шубҳасиз, кинофестивалга қатнашчиларининг ниятлари соф, ўйлаганлари фақат яхшилик, кинофестиваль қатнашчиларининг қалблари худди анжуманимиз шиоридек самимий ва бегубордир.

М. АЛИЕВ,
Осиё ва Африка мамлакатлари Иккинчи Тошкент халқаро кинофестивали бош директорининг ўринбосари.

ОСИЁ ВА АФРИКА МАМЛАКАТЛАРИ ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ХАЛҚАРО КИНОФЕСТИВАЛИ ОЛДИДАН

ОММАВИЙ-МУДОФАА ИШЛАРИГА КЕНГ ЙЎЛ

Янгийўл пойафзал фабрикасининг ДОСААФ бошлангич ташкилоти фақат шаҳардагина эмас, балки областда ҳам намунали ҳисобланади. Бу ерда жамият аъзоларини ватанпарварлик руҳида ва Ватан мудофаасига доимо тайёр туриш, совет халқлари ҳамда унинг Қуролли Кучларининг қаҳрамонона анъаналарига содиқ қилиб тарбиялашда улкан ютуқлари ташкил этилади. Бу эса халқ хўжалиги учун кадрлар тайёрлашни янада яхшилайди. Жумладан, 1971 йилнинг мартигача 30 шофер, 30 мотоциклчи, ЄЭ радио-телеграфчилар ва бошқа қатор мутахассисликлар бўйича кадрлар етиштирилади.

Корхонада спортнинг ҳарбий-техника турларини янада кенгайтириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор бериш, ҳарбир цехда спорт командаларн тузиш, спортнинг мазкур турн бўйича мунтазам мусобақалар ўтказиб туришга қарор қилинди.

Бундан ташқари фабрикада шу кеча-кундузда ишлаб турган спорт-техника клуби ишини жонлантириш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш юзасидан тегишли тадбирлар кўрилди.

Пойафзалчилар ДОСААФ ташкилоти аъзолари Тошкент областининг барча бошлангич ДОСААФ ташкилотларига мурожаат қилиб, меҳнаткашлар ўртасида ҳарбий-ватанпарварлик ва оммавий-мудофаа ишларини, ватанимиз мудофаа қудратини бундан буён ҳам мустаҳкамлаш борасида съездолди социалистик мусобақасини тағин ҳам кучайтиришга чақирдилар.

Область ДОСААФ Комитети Президиуми Янгийўл пойафзал фабрикаси ДОСААФ бошлангич ташкилотининг бу ташаббусини қўллаб-қувватлади ва барча шаҳар, район ДОСААФ комитетлари бошлангич ташкилотларига янгийўлликлар ташаббуси юзасидан социалистик мусобақани кучайтиришни тавсия этди.

ЯНГИ ҚЎҒИРЧОҚ ФИЛЬМЛАР

«Ўзбекфильм» студияси томонидан яратилган қўғирчоқ фильмлари айниқса кичик томошабинларга завқ-шавқ ва катта қувонч бахш этмоқда. Ижодий изланишда бўлган кино санъати ходимлари кичкинтойларни хушнуд қилиш мақсадида яна бир неча қўғирчоқ фильмларни тайёрлашди.

«Кичик ёлғончи» фильми ҳам тайёр бўлди. Экран асарининг режиссёр-постановкачиси З. Ройзман қизиқ-қизиқ ҳаётий деталлар орқали фильм сюжетини ярата олган. Бу асар студияда ижобий баҳо олди.

«Қиз бола ва юлдузча» деб номланган фильм суратга олинмоқда. Ушда болалар фантазиясининг ўзига хос томонлари жонли акс эттирилади. Шунингдек, «Балкон» қўғирчоқ фильми яқин келгусида кичик томошабинларга тақдим этилади.

СПОРТ

БАСКЕТБОЛ. Москвада ўтказилган халқаро турнирда қатнашган америкалик баскетболчилар Киев шаҳрида Украина терма командаси билан ўртоқлик учрашуви ўтказдилар. Учрашув 60:58 ҳисобида украин спортчилари фойдасига ҳал бўлди.

ШАХМАТ. СССР кубоги учун Днепропетровскда ўтказилган дастлабки босқич мусобақалари тугади. Гроссмейстер Бронштейн, халқаро мастер Савон, мастерлар Альбурт ва Шмит октябрь ойида фахрли кубок учун ўзаро кураш олиб борадилар.

ВЕЛОСИПЕД СПОРТИ. тулада велосипед спорти бўйича мамлакат биринчилиги тугади. Трек мусобақасида харьковлик Р. Ободовская СССР чемпиони унвонига сазовор бўлди. У 3 километрлик шахсий пойгада 4 минут-у 5,4 секунд вақт кўрсатди.

ФУТБОЛ. Уч марта жаҳон чемпиони — Бразилия терма командаси 19 сентябрда Рио-де-Жанейродa 1970 йилги чемпионат эгалари Мексика футболчилари билан ўртоқлик учрашуви ўтказади.

ТОЗАЛИККА ЖИДДИЙ ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

Тозаликка тўла риоя қилиш, озодаликни таъминлаш ҳар бир корхона, ҳар бир хўжалик ва ҳар бир ташкилотнинг, ҳар бир гражданнинг жанговар бурчи. Ҳозир жойларда озодалик ойлиги қизғин давом эттирилаётган бир пайтда бу масала айниқса муҳим аҳамият касб этмоқда.

Областимиз шаҳар ва қишлоқларида санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш соҳасида анчагина ишлар амалга оширилди. Шу билан бирга бу соҳада ҳали кўпгина камчиликлар ҳам бор. Область ижроия комитети ҳузурида ташкил этилган юқумли касалликларга қарши кураш комиссиясининг навбатдаги йиғилишида ана шу масалалар кенг муҳокама қилинди.

Йиғилишни комиссия раиси, область ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ **С. А. Раҳматхўжаева** очди.

Йиғилиш қатнашчилари областимиздаги қатор район вакилларининг жойларда озодалик ойлигининг бориши ҳақидаги ҳисоботларини тинглашди. Оққўрғон районидаги юқумли касалликларга қарши кураш комиссиясининг раиси ўртоқ **А. Комлева** районда амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида гапирди. Район хўжаликларида, ташкилот ва муассасаларда, озиқ-овқат магазинларида санитария-гигиена ишларини яхшилаш юзасидан кўрилган дастлабки тадбирлар ўзининг ижобий натижасини берди. Шу билан бирга, райондаги айрим территорияларда ҳали ҳам тозаликка тўла риоя қилинмаётир. Район марказида ерости қурилиш ишлари олиб борилаётганлиги туфайли бу ернинг санитария ҳолати ёмон аҳволга тушиб қолди. Устига-устак, умумий овқатланиш тармоқларида санитария-гигиена қоидаларига тўла риоя қилинмаётир. Гигиена қоидаларининг қўпол равишда бузилаётганлиги туфайли район марказидаги иккита ошхона ёпиб қўйилди. Жамоатчи санитария тармоқлари ёмон иш олиб бормоқда.

— Районимизда озодалик ойлигига зўр уюшқоқлик билан киришган эдик,— дейди Оржоникидзе районида ташкил этилган юқумли касалликларга қарши кураш комиссиясининг раиси ўртоқ **Р. Носиров.** — Ҳозир озодалик бўйича ўтказилаётган шанбаликларга мингга яқин киши қатнашмоқда. Булар, албатта бизни қувонтиради. Лекин, ҳали йўл қўйилаётган камчиликлар устида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Гарчи, умумий овқатланиш тармоқларида санитария-гигиена аҳволи яхшиланган бўлса-да, уларнинг айримларида ҳанузгача тозаликка риоя қилинмаётир. Шунингдек, водопровод хўжаликлари устидан назорат ўрнатиш ҳам кўнгилдагидек эмас. Масалан, «Қизил Ўзбекистон» колхози территориясидаги водопровод хўжалигида камчиликларга йўл қўйилаётганлиги аниқланди. Аҳолини тоза сув билан таъминлаш учун қатор тадбирлар белгиланди. Ошхоналар, буфетлар ва бошқа умумий овқатланиш тармоқларида санитария ҳолатининг намунали бўлиши учун курашда кенг жамоатчиликка таянган ҳолда иш олиб борамиз.

Йиғилишда Ўрта Чирчиқ районн юқумли касалликларга қарши кураш комиссиясининг раиси А. Тенинг ҳам ҳисоботи тингланди.

Йиғилиш қатнашчилари областимиз шаҳар ва районларида жойлашган бозорлар санитария-гигиена ҳолати ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Ҳозир кўпгина бозорларда аҳвол анчагина яхшиланди. Бироқ, қатор бозорлар борки, уларда тозалик устидан етарли назорат ўрнатилмаган. Сўзга чиққан нотиқлар Олмалиқ шаҳридаги бозор (директори Қувондиқов)да йўл қўйилаётган жиддий камчиликлар ҳақида гапирдилар. Бу ерда кўпинча санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмайди.

Худди шундай аҳволни Кўктерак ва Ангрен шаҳар бозорларида ҳам кўриш мумкин. Чорвоқ ГЭСи қурилиши бинокорларига хизмат қилаётган бозор ҳам кўпинча ифлос бўлиб ётади. Ўз вақтида сув сепилмайди, супуриб-сидирилмайди.

Янгийўл районидаги Олмазор станциясидаги бозорнинг санитария-гигиена ҳолати текширилганда ҳам кўпгина камчиликлар аниқланди. Келесдаги бозор дирекцияси ҳам тозаликка риоя қилиш юзасидан тегишли тадбирлар кўрмаган. Юқорида айтиб ўтилган бозорларда касалликларнинг тарқатишга сабабчи бўлувчи турли чиқиндилар уюлиб ётибди. Сотувчилар халатлар билан таъминланмаган, умивальниклар йўқ.

Йиғилишда бошқа жойларда ҳам санитария-гигиена қоидаларига риоя қилинмаётганлиги фактлари кўрсатиб ўтилди ҳамда озодаликни таъминлаш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

А. АЛИЕВ.

МУР ҚАНДАЙ ҚИЛИБ ФИТНА ҚУРБОНИ БЎЛДИ?

Яқин кунларда футбол бўйича Англия терма командасининг капитани Бобби Мур Лондондаги Колумбия элчихонасига бориб, шов-шувга сабаб бўлган «олтин билагузук» иши юзасидан яна гувоҳлик беради,— деб хабар беради Рейтер агентлиги мухбири. Бироқ бу сафар футболчи саволларга айбланувчи сифатида эмас, балки айбловчи гувоҳ сифатида жавоб беради. Нега бундай бўлди?

Шу йил май ойида футбол бўйича жаҳон чемпионати бошланиши олдидан Англия терма командаси Колумбия пойтахти Боготада контроль учрашувларни ўтказарди. Командининг ҳамма аъзолари Мексикага учиб кетишган куни унинг капитани Мурни ўғри сифатида ушлаб қолишди. Кимса савдогар Суарес Мурни «Зелёний огонёк» тилла магазинида чўнтагига қандайдир ярқираган буюмни солганини ойна орқасидан кўрганини тасдиқлади. Шу магазин сотувчиси Падилья Мур Англия терма командасининг бошқа аъзоси Бобби Чарлтон билан витринадан билагузукни олиб, чўнтагига солганини айтди.

Тилла магазин хўжайини Рохас машҳур футболчини судга бериб, фақат билагузук қимматини (1200 доллар) талаб қилибгина қолмай, балки ўн баравар товон тўлашни талаб қилди. Суд Мурга Мексикага боришга рухсат берди. Бироқ «иш»ни тўхтатмади.

Яқинда Колумбиянинг криминал полициячилари «қизиқарли ҳужжат»ни қўлга туширишди. Рохас ва Суарес ўзаро 250 долларга шарт тузишган, кейингиси Мурга бўҳтон қилган эди. Фитна... сотувчи Падильянинг иштирокида унинг уйида амалга оширилди.

Полиция шефи, капитан Рамирес журналистларга магазиндан ҳеч қандай билагузук ўғирланмаганини ва бу уч «қароловчи» суд олдида бўҳтон ва ёлғон ахборот берганликлари учун жавоб беришади,— деб айтди.

Ҳозир бу «уддабурро» комер сантларга қандай жазо берилишини айтиш қийин. Улар ҳозир пулга ёр бериб, иш-кўришмоқда. Бироқ Мур «иш»нинг бошқа бир томони бор. Кўпчилик бу фитна бой профессионал футболчининг ҳамёнини қоқиб олиш учун эмас, балки унга руҳий зарба бериш учун қилинган деб ҳисобламоқда.

Чемпионат бошланиши олдидан мутахассислар Англия терма командаси ҳимоя линиясини дунёда энг кучли ва мустаҳкам деб тан олишган эди. Терма команда капитани — марказий ҳимоячи Бобби Мур ана шу ҳимоянинг устуни эди. Маълумки, Латин Америкаси футбол муҳлислари Европалик футболчилар муваффақият қозонишини исташмас эди. Эҳтимол улар ана шу ҳийла туфайли футболчи ва унинг ҳамкасбларини сафдан чиқаришмоқчи бўлишган...



ОҚҚЎРҒОН районининг Солдатское посёлкасидаги колхоз бозорида санитария-гигиена қоидаларига етарли аҳамият берилмаётир. Бозор яқинида кўпинча ана шундай аҳлат уюмлари тўпланиб ётади.

Э. Зарипов фотоси.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — Москва кўрсатади

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

18.25 — Кўрсатувлар программаси.

Рус тилида: 18.30 — «Ахборот» информацион программаси. 18.45 — «Ленин ҳаётининг сўнгги саҳифалари» (Кинофильм). 19.30 — Футбол бўйича СССР биринчилиги «ПАХТАКОР» — «ЗАРЯ».

Ўзбек тилида: 21.15 — Пахта теримига ҳамма нарса шаймн? 21.35 — Дилбар ва Хайриддин Фаёзовлар инросида рақслар. 22.15 — Янгиликлар. 22.20 — «Тариэл Голуба» (Бадиий фильм).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

17.55 — Кўрсатувлар программаси. 18.00 — Болалар учун ўзбек тилида мультфильм.

Рус тилида: 18.30 — Қозоқ элининг шоирлари. 19.00 — «Роза Жаманова нуйлайди» (Фильм-концерт). 19.35 — «Шаҳарда фалокат» (Бадиий телефильмнинг биринчи серияси).

20.00 дан — Москва кўрсатади.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 25/VIII да Зулматдан зиё, 26/VIII да Севилия сартароши, 27/VIII да Сухайль ва Меҳри.

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 25/VIII да Олтин девор, 26/VIII да Улимдан кучли, 27/VIII да Бой ила хизматчи.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 26/VIII да Катта концерт, 27/VIII да Елғончи дарвоз (қишки бинода).

Кино

ҚИШКИ БИНОДА

Европалик нелин — «ЧАЙКА», «МОСКВА», «СПУТНИК», «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА» (кундуз ва кечқурун).

Парад-алле — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз ва кечқурун).

Нон, севги ва фантазия — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Гўзал — «КОМСОМОЛ 30 ИИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Гул ва тош — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Баҳор сувлари — «МОСКВА». (кеч соат 9 яримда).

Свердлов номли концерт залида

26, 27 августда

М. ҚОРИЕҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КАТТА КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР: Ўзбекистон ССР халқ артистлари ШАҲОДАТ РАҲИМОВА, ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА, МУҲАММАДЖОН МИРЗАЕВ;

Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: ТУХТАХОН РИСМЕТОВА, МУҲАББАТ МУСАЕВА, МИРЗА ТОИРОВ;

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати ДИЛБАР ФАЁЗОВА;

Солистлар Алижон ҲАСАНОВ, Ҳадича АЛИМАРДОНОВА, Сора ШУКУРОВА;

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Концерт неч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

28 АВГУСТДА

КЎЗГИ МАВСУМ ОЧИЛАДИ

ПРОГРАММАДА СОВЕТ ИТТИФОҚИ ВА БОЛГАРИЯ ЦИРК УСТАЛАРИНИНГ ТОМОШАЛАРИ

Ургатилган арслонларнинг катта аттракциони

Ургатувчи — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Владимир Борисов

Томошалар неч соат 8 да бошланади,

Шанба кунлари икки марта: кундуз соат 3, кеч 8 да, якшанба кунлари уч марта: кундуз соат 12, 3 ва кеч 8 да томоша кўрсатилади.

Олдиндан билет сотиш кассаси эрталаб соат 11 дан кеч 8 гача очиқ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

ИНДЕКС — 64697.

Г. 1716. Р.— 02741